

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЎЙИН

2019 - йил 12-14 март Бутунжаҳон сув куни танловининг 2 куни «Сув - ҳаёт манбаи» мавзусидаги интеллектуал ўйин ташкил этилди. Рўйхатдан ўтган жамоалар ўртасида гуруҳларга ажратилган ҳолда савол-жавоб ўйини ташкил этилди ва ўтказилди. Ўйин соат 10:00 да бошланиб 19:00 да ўз ниҳоясига етди. Финалда 6 та жамоа ўзаро куч синашишди ҳамда ғолиблар аниқланди

1-ўринни «Гидротехника» қурилиши факультетининг «ГТНСФ» жамоаси

2-ўринни «Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш» факультетининг «Эколог» жамоаси

3-ўринни Магистратура бўлимининг «Обиҳаёт» жамоалари эгаллашди. Ғолиб бўлганларни табриклаймиз ва эртага тақдирлаш маросимига таклиф этамиз.

9-соат вақтларини аямасдан ҳакамлик вазифасини бажарган устозларимизга катта раҳмат айтамиз. Албатта, иш бор жойда камчилик бўлиши табиий агар, камчиликлар бўлган бўлса барча иштирокчилардан тўғри қабул қилишларини илтимос қилган бўлар эдик. Бу танлов дўстлик, ҳамжиҳатлик ва билимларни ошириш руҳида ўтказилмоқда. Иштирокингиз ҳамда таклиф, фикрларингиз учун сизларга миннатдорчилик билдирамыз. Бизни кузатиб боринг эртага якуний танловлар. Ташрифингиз бизни хурсанд қилади. Ҳурмат билан ташкилий қўмита!

